O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 24-fevral • № 8 (3837)

Кёко НАКАЯМА:

# ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМДАМАН

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла ОРИПОВга**

***Муҳтарам жаноб ОРИПОВ!***

***«Ўзбекистон сакураси» номли яқинда нашрдан чиққан китобимни Ўзбекистондаги 1999 йилдан 2002 йилга қадар элчи сифатидаги ҳаётим ва фаолиятим ҳақидаги хотираларим билан бирга Сизга йўллаш шарафига нойил бўлиб турибман.***

***Ушбу китоб менинг фаолиятим мобайнида ўзбек халқининг каминага кўрсатган ҳурмат-эҳтироми ва хайрихоҳлигига миннатдорлигим ифодаси сифатида ёзилган ва Сиз у билан танишиб чиқсангиз ўзимни ғоят бахтиёр ҳис қилган бўлур эдим.***

***Япон — ўзбек дўстлигининг янада мустаҳкамланиши ва Ўзбекистон Республикасининг янада гуллабяшнаши билан бир қаторда Сизга мустаҳкам соғлик-саломатлик ва фаолиятингизда улкан ютуқлар тилаб қоламан.***

**Кёко НАКАЯМА,**
**Японияниng Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси**

Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяманинг «Ўзбекистон сакураси» китоби (КТС Марказий нашриёти, Токио, 2005 йил) етти бобдан иборат бўлиб, унда муаллиф ўзининг 1999 йилнинг августидан 2002 йилнинг июлига қадар Ўзбекистондаги фаолияти хусусида ҳикоя қилади.



Китоб япон жамоатчилигига Ўзбекистон ҳақида холис ва батафсил маълумот бериш мақсадида ёзилаётганини назарда тутган ҳолда муаллиф мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва нуфузи, аҳолисининг миллий ва этник таркиби, ўзбек халқининг меъморий обидалари, ўзига хос хусусиятлари, япон маданияти билан муайян ўхшашликка эга бўлган бой маданияти ва менталитетини ёритишга алоҳида эътибор берган.

К.Накаяма ўзининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан илк учрашувини алоҳида меҳр ва иштиёқ билан ёдга олади. Муаллифнинг ёзишича, И.Каримов ғоят бандлигига қарамай ва белгиланган муддатлар билан чекланмай республикага келганининг саккизинчи кунида К.Накаямадан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олади ва икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш, минтақада тинчликни сақлаш ва тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича томонларнинг нуқтаи назарларини яқинлаштиришнинг долзарб муаммолари юзасидан ишчанлик вазиятда суҳбатлашади. Бу суҳбат элчининг Ўзбекистонда бошланаётган фаолиятининг самарали ташкил этилишида катта омил бўлган.

К.Накаяманинг қайд этишича, у Президент билан учрашув асносида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳозирги сиёсий ва иқтисодий аҳволи, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари хусусида ғоят муҳим маълумотларга эга бўлган. Жумладан, Ислом Каримовнинг халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга доир қатъияти муаллифда катта таассурот қолдирган.

Президент таъкидладики, — деб ёзади муаллиф, — Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Аммо, афсуски, бир қатор ғоявий гуруҳлар, жумладан, Бен Ладеннинг издошлари исломий шиорлар остида исломнинг асл моҳиятига зид келувчи фаолият олиб бормоқдалар.

Шу муносабат билан муаллиф халқаро терроризм масалалари бўйича Ўзбекистоннинг позицияси хусусида холис ахборотлар тарқатишга алоҳида эътибор қаратади.

Президент И.А.Каримовнинг Қирғизистон жанубидаги Боткенда япон фуқароларининг асир олиниши билан боғлиқ воқеалар хусусида батафсил ҳикояси ва Афғонистон ҳамда Чеченистонда хавфсизлик ва осойишталикка раҳна солган айрим террористик гуруҳларнинг асл мақсадларини очиб кўрсатгани, муаллифнинг ёзишича, мазкур масалага нисбатан К.Накаяма муносабатининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган.

1999 йилнинг февралида Тошкентда ва 2001 йилнинг сентябрида АҚШда содир этилган террористик ҳаракатларнинг сабабларини таҳлил қилар экан, К.Накаяма қайд этадики, «мазкур қўпорувчилик ҳаракатларини ташкил этиш усулларида автомашина ёхуд самолётнинг қўлланишидаги фарқдан қатъи назар, умуман, уларнинг ижрочилари ва ғоявий ташаббускорлари хатти-ҳаракатларида ўхшаш жиҳатлар кўзга ташланади».

Муаллиф, шунингдек, террористик гуруҳларнинг Тожикистон ва Қирғизистондаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтади.

К.Накаяма Япония ҳукуматининг тараққиётга расмий ёрдам йўналиши бўйича иқтисодий ҳамкорлигига Ўзбекистон раҳбариятининг юқори баҳосини алоҳида қайд этади.

К.Накаяма ўз китобининг айрим бобларини Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар масалаларига бағишлаб, республика раҳбариятининг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни амалга оширишга йўналтирилган сиёсатини қўллаб-қувватлашини маълум қилади. Шунингдек, Ўзбекистонда бой энергия заҳираларининг мавжудлиги ва Орол денгизи муаммоларини ижобий ҳал қилишнинг мақбул шаклини қидириш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам фикр юритади.

Муаллиф Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ўзаро фойдали япон — ўзбек маданий ва инсонпарварлик ҳамкорлиги, шу билан бирга, Япония ҳукуматининг таълим соҳасидаги дастурини амалга оширишга йўналтирилган фаолияти хусусида ҳикоя қилади.

Президент И.А.Каримов билан бир неча учрашувлари асносида К.Накаяма «Ўзбекистондаги вазиятни тўла тушуниб етиш учун ўзбек жамоатчилиги вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар уюштириш чоғида икки халқ менталитетидаги ўхшашликларга асосланган ҳолда бу масалага «оддий японнинг дунёқараши» призмаси орқали ёндашиш керак» деган хулосага келади.

К.Накаяма республиканинг турли бурчакларига кўп маротаба қилган сафарлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳамда оддий кишилар билан учрашувлари, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликларини томоша қилишдан олган ўз таассуротлари хусусида ҳам батафсил ҳикоя қилади.

Шу муносабат билан китобда япон жамоатчилигини ўзбек халқининг турмуш тарзи билан таништиришга алоҳида ўрин ажратилган. Хусусан, ёши улуғларга эҳтиром кўрсатиш, байрамлар, турли хил мусиқий тадбирлар уюштириш ва миллий таомлар тайёрлашнинг асрий тажрибаси қарор топган маҳалла ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Ўзбекистон худудига собиқ ҳарбий асирлар сифатида келтирилган япон фуқаролари дафн этилган жойларга ўзбек халқининг эъзозли муносабатини муаллиф зўр мамнуният билан ҳикоя қилади. К.Накаяма қайд этадики, «Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонга жами йигирма беш мингга яқин япон фуқаролари мажбуран олиб келинган бўлиб, улар оғир ишларга, жумладан, каналлар, ГЭСлар қурилишига жалб этилган. Бу иншоотлар 1966 йилги зилзилага ҳам дош берган.

Собиқ асирлардан саккиз юз нафари Ўзбекистон тупроғида дафн этилган. Муаллифнинг хабар беришича, Япония ҳукумати ва япон жамоатчилиги Ўзбекистон ҳукуматининг собиқ асирлар дафн этилган жойларни обод қилишга қаратилган тадбирларини, хусусан, ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тимсоли сифатида бу жойларга сакура дарахтлари ўтқазилганини юксак баҳолаган.

Япониядан Ўзбекистонга бир минг уч юз туп сакура кўчатлари келтирилган бўлиб, улар республиканинг турли жамоат жойларида ўтқазилган. Шу муносабат билан муаллиф умид билдирадики, яқин келажакда икки мамлакат жамоатчилиги вакиллари, худди Японияда бўлганидек, Тошкентда ҳам «сакуранинг гуллаган шохлари остида турли маросимлар, дўстона учрашувлар ўтказадилар».



# БИНАФША

**ЗУЛФИЯ**

**Қаҳратонда ерга тўшалганда қор,**
**Менинг кўнглим тусаб қолар бинафша.**
**Дилим таг-тагидан эрка бир виқор,**
**Ўрар чирмовиқдай хушбўй бир нашъа.**

**Энг хушрўй, энг кўркам гулларнинг атрин**
**На бўй, на ҳуснига этолмам қиёс,**
**Беқиёсдир ҳушни элитган баҳри,**
**Тун ёстиқда сўлган бинафшага хос.**

**Шу ҳузурни қўмсаб, қутурган қишда**
**Думбул баҳорларни нигоҳим излаб...**
**Гоҳ-гоҳ бугунимиз эмас, ўтмишдан**
**Иссиқ нафасларни излаймиз бизлар.**

**Хаёл чаманида бўй чўзиб ўтлар,**
**Чўлда ел ва нурда лолалар балқар.**
**Кўклам шарпасидан синиб сукутлар,**
**Тарновдан, ариқдан сув бўлиб оқар.**

**Ниҳоят, маъсумам — жажжи бинафша**
**Сафсарранг гулханин сочар ийманиб,**
**Ўнгир, ариқ бўйин тутади нашъа,**
**У буюк борлиққа боқар жилмайиб.**

**«Салом!» — дейман халқ бинафшасига, —**
**Сенсиз кўнгил боғим қоларди ғариб!**
**...Ҳеч маст бўлганмисиз соф нашъасига,**
**Бошин хиёл эгиб турса жилмайиб?..**

# ТЕАТР ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

***Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қирққа яқин театрлар ўтган йили томошабинларга 200га яқин янги саҳна асарларини тақдим этдилар. Санъат институтини муваффақиятли тугаллаган ўндан ортиқ ёш истеъдодли режиссёрлар вилоят театрларида фаолият бошладилар. Шубҳасиз, бу ҳолат ижодий жамоалар фаолиятига янгича йўналиш, имкониятлар олиб киради.***

Республикамиз театр жамоалари йил давомида қатор хорижий давлатларда маҳоратларини намойиш этдилар, мамлакатимизда чет эл театрлари, таниқли актёр ва режиссёрларнинг ижодий сафари бўлиб ўтди. Хуллас, пойтахт театрларида ҳам, вилоятлардаги жамоаларда ҳам, сезиларли ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Оперетта театри, Наби Абдураҳмонов, Олимжон Салимов каби режиссёрлар бошчилик қилаётган ижодий жамоаларнинг фаолияти тўғрисида ҳам ижобий фикр билдириш мумкин.

Албатта, ютуқлар қаторида мавжуд камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Аввало, аксарият вилоят театрлари раҳбарлари (бу баъзи пойтахт театрларига ҳам тааллуқли) мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланаётганлари йўқ. Бинобарин, бугунги кунда театр раҳбари фақат раҳбарлик билан чекланиб қолмасдан, менежерликдан ҳам хабардор бўлиши, ишбилармонлик қилиши талаб қилинади.

Ҳозирги кунда аксарият театрлар репертуарида тарихий мавзудаги асарлар, классиканинг ноёб дурдоналари ва кўпроқ комедия жанридаги спектакллар кўзга ташланмоқда. Замонавий асар яратишда, бугунги замондошимиз қиёфасини саҳнага олиб чиқишда ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан пойтахтдаги истеъдодли, кўзга кўринган режиссёрларни вилоятларга, вилоятлардаги иқтидорли режиссёрларни эса пойтахтга таклиф этиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйиш масаласи қўйилган эди. Афсуски, шу вақтга қадар бирорта вилоят театри пойтахтдан режиссёр таклиф этмади.

Шуниси ачинарлики, кўп ҳолларда театр жамоалари бир-бирларининг спектаклларини кўрмайдилар, ҳамкасблари фаолияти билан қизиқмайдилар, ўзаро фикр алмашишга интилмайдилар. Аксарият ҳолларда театр жамоалари яхши асар ёзилишини ва бу асарни драматург ўзи кўтариб келишини кутиб ўтиради. Бундай муносабатнинг вақти аллақачон ўтган. Бугун ишга янгича ёндашиш, изланиш керак. Кўпчилик бўлиб, ғоя асосида саҳна асарлари яратишни, ижодий ҳамкорликни жадал йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хуллас, бугунги кун театрлари директорлари, бош режиссёрлари ва ижодий жамоаларнинг олдида халқимиз, ёшларимизнинг маънавий камолоти йўлида, миллий театр санъати ривожи учун хизмат қилишдек муҳим вазифалар турибди.

Темурийлар тарихи давлат музейида республикамиз театрларининг раҳбарлари, ижодкорлар ва мутахассислар иштирокида ўтган йиғилишда ана шулар ҳақида фикрлашиб олинди. Йиғилишни «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори Омон Ризаев олиб борди.

Самимий ижодий мулоқот тарзида ўтган мазкур йиғинда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев юқорида тилга олинган масалалар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза билдирди, амалий таклифларини айтди. Театр санъати ўзбек маданиятининг кўзгуси эканига алоҳида урғу берди.

— Мен шуни ишонч билан айта оламанки, — деди вазир, — театрда фидойи инсонлар ишлайди. Ҳеч ким бу даргоҳга бойиб кетиш учун келмайди. Шу боисдан ҳам театрда ишлаб кетган кекса устозларнинг ҳам, бугун ишлаётганларнинг ҳам ҳурмат-иззатини ўрнига қўйишимиз лозим.

Ўз навбатида ижодкорлар ҳам зиммаларига юкланган залворли маънавий тарбия юкини ҳис этиб, фаолият юритишлари зарур. Ҳар бир драматург, режиссёр ва актёр давр билан бирга қадам ташламас экан, ўз-ўзидан сафдан четга чиқиб қолаверади. Бугун давр биздан ғоявий-бадиий баркамол асарлар талаб қиляпти. Бинобарин, саҳна санъатимизнинг обрўсизланишига йўл қўймаслигимиз керак.

Йиғилишда, шунингдек, Ёқуб Аҳмедов, Мансур Равшанов, Рустам Маъдиев, Баҳодир Жабборов, Одамбой Абдуллаев, Гулруҳ Нажидова, Дилфуза Раҳматуллаева каби санъаткорлар ва мутахассис олимлар ҳам муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

# МАҲОРАТГА БОШЛОВЧИ ЙЎЛ

*Муҳарририга мактуб*

Севимли «Адабиёт...» газетамизнинг аввалги сонида эълон қилинган «Навқирон давра» саҳифасини ўқиб беҳад мамнун бўлдик. Миллий матбуотимиз муаммолари ҳақида кўп гапириб кўп ёзамизу, бундай ташвишларнинг бирдан-бир чораси ёш ва иқтидорли журналист кадрларни саралаш ва уларнинг малакасини ошириш эканлигини тан олиб, шу йўлда амалий қадам қўйишга жазм қилавермаймиз.

Газета ҳузурида ташкил этилган «Маҳорат мактаби»ни шу маънода ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Бугун бир саҳифада ўзларининг дастлабки ижод намуналарини кенг газетхонлар эътиборига ҳавола қилган ёш журналист сингилларимиз (Нима учун уларнинг орасида йигитлар йўқ?), ишонамизки, яқин келгусида журналистикамизнинг етакчи ва таниқли вакиллари даражасига кўтариладилар. Чунки улар олий ўқув юртида олаётган назарий билимларини бевосита амалиётда синовдан ўтказаяптилар, яъни ўзларини шогирд билиб, устозлар сабоғидан баҳра олаяптилар. Бу — ижод соҳасида маҳорат сари етакловчи энг тўғри ва синалган йўл ҳисобланади.

Хабарингиз бор, партиямиз бутун мамлакат бўйлаб барча соҳада «Устоз — отангдек улуғ» шиорини оммалаштиришга киришди. Зеро, «Миллий тикланиш» демократик партияси ёш авлоднинг мафкуравий-маънавий, миллий, касбий ва ахлоқий соғломлиги омилини устоз ва шогирдлик анъанасида кўрмоқда. Шу маънода «Маҳорат мактаби»нинг мақсад ва вазифалари партиямиз дастурида баён этилган устувор мақсад ва вазифаларга ҳамоҳангдир!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» таҳририяти ҳузурида фаолият юритаётган «Маҳорат мактаби» тингловчиларига ижодий омадлар тилаймиз!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси**

# ЎРИКЛАР НЕГА КАЛЛАКЛАНДИ?

*Она сайёра — қўриқхона*

Косонсойга курсдош дўстимдан хабар олгани борган эдим. У шаҳарнинг бир четида, Боираха деган адир ерда, боғ ҳовлида яшайди. Дўстим ишда экан. Бекор ўтирмай ташқарига чиқдим, маҳалланинг ягона кўчасидан қиблага қараб юрдим. Йўл четидаги бетон ариқда тип-тиниқ сув оқиб турибди. Икки ёндаги қиялик адирларда боғ ҳовлилар жойлашган. Нарироқдан «Самарқанд» ширкат хўжалигининг яйдоқ далалари бошланади. Кузнинг боши бўлиб, дов-дарахтлар ҳали яшил либосини ечмаган, кунлар иссиқ-илиқ. Ажойиб манзарадан, кенгликдан завқланиб бораётганимда боғ ҳовлилардан бирида бир неча туп каллакланган ўрикларга кўзим тушди. Беихтиёр тўхтаб қолдим. Боягги хуш кайфият ўрнини қандайдир маҳзунлик, маъюслик эгаллади. Мени кўриб турган экан шекилли, йўл ёқасидаги вақтинчалик гувала уйдан боғ ҳовли эгаси чиқиб келди. Танишдик. Кексанинг исми-шарифи Баҳодиржон Каримов экан.

— Ўрикларни каллаклаб ташлабсизми? — деб сўрадим ундан.

— Э, нимасини айтасиз, тўрт йилдан буён қаторасига мева бермай қўйди. Наврўз кунларида гуллайди. Шундан кейин қора совуқ келади, ёғингарчилик бўлади. Гулларни нобуд қилади. Илгари аҳён-аҳёнда бўларди, ҳозир хар йили такрорланяпти. Кута-кута чарчадим. Бу йил баҳорда умидни узиб каллакладим. Ақалли, остидаги ерда экин ўссин, дедим-да...

— Бошқа жойларда ҳам шунақа бўляптими?

— Барча тоққа яқин жойларда аҳвол шу. Боғбонлар ўрикни боғдан чиқариб ташлашга мажбур бўлишмоқда. Қўқимбойдан уёғида дуруст.

Ширкат хўжалигига қарашли дала шийпони олдидаги каттагина ўрикзорни ҳам қандай йўқотишни билмай туришибди. Чуст, Янгиқўрғон томонларда яшовчи таниш-билишлардан ҳам шунақа хомуш хабарлар эшитдик.

Давоми иккинчи бетда.



# ГЎЗАЛЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

Бир неча кундан буён пойтахтимизда К.Станиславский ва В.Немирович-Данченко номидаги Москва академик мусиқий театри гастроллари муваффақият билан давом этмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик ҳақидаги Шартномага биноан Россия ва Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ташкил этилган бу сафар давомида москваликлар «Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Жизел», «Шчелкунчик» балетларини кўрсатадилар.

Маълумки, бу театр катта ва шонли тарихга эга. Дастлаб иккита опера театрининг қўшилишидан вужудга келган бу ижодий жамоага 1939 йили Викторина Крюгернинг балет труппаси қўшилди. Натижада театр ҳақли равишда академик мусиқий театр мақомига эга бўлди.

Балет гуруҳи фаолиятида турли даврларда буюк рақкос ва балетмейстерлар иштирок этдилар. Улардан биринчиси В.Немирович-Данченко эди. Унинг издоши бўлган Владимир Бурмейстер 1953 йилдаёқ машҳур «Оққуш кўли» балетини саҳнага қўйиб, балетмейстер сифатида шуҳрат қозонди. Мазкур балет Париждаги Гранд Опера театрида катта шов-шув билан қўйилди. Постановканинг бу қадар муваффақият қозонишига сабаб, кўп жиҳатдан спектакл драматургиясига ноанъанавий, янгича қараш оқибатидир. Жумладан, унда XIX асрда Лев Иванов томонидан саҳналаштирилган вақтдаги машҳур иккинчи акт сақлаб қолинди. Ярим аср давомида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги томошабинлар қалбини забт этган «Оққуш кўли» балетини тошкентликлар ҳам катта завқ-шавқ билан кўрдилар. Рақкосларнинг юксак маҳорати, ажойиб саҳна безаклари, воқеаларнинг сирли муҳити гўё томошабинларни сеҳрлаб қўйди.

Давоми бешинчи бетда.



# ШОИРА ЁДИ

Халқимиз қалбидан чуқур жой олган атоқли шоира ва адиба Саида Зуннунованинг 80 йиллиги унинг она юрти Андижонда ҳам кенг нишонланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган хотира кечасида шоир-ёзувчилар, олимлар, ёш ижодкорлар, талабалар, шоиранинг яқинлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Хотира кечасида сўзга чиққан ижодкорлар Олимжон Холдор, Қамчибек Кенжа, Хуршида, Фарид Усмон ва бошқалар Саида Зуннунованинг ўлмас насрий асарлари, шеър ва ғазаллари ҳақида фикр юритдилар. Вафо ва садоқат тимсоли бўлмиш шоира ҳаёти ва фаолияти халққа муносиб фарзанд бўлишнинг ёрқин намунаси эканлигини таъкидладилар.

Ёш ижодкорлар Саида Зуннуновага бағишланган шеърларидан ўқидилар. Шоиранинг синглиси Сайёра Зуннунова дил сўзларини изҳор этди. «Мерос» дастаси хонандалари ижросида шоира ғазаллари билан куйланувчи қўшиқлар янгради.

**Ўз ахборотимиз**

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқаро Амир Темур жамғармаси соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб «Амир Темур ҳақида энг яхши шеър» танловини эълон қилади. Танловга тавсия этилаётган асар қўлёзмаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеърият кенгашида 2006 йилнинг 3 апрелига қадар қабул қилинади. Танловда ғолиб чиққан шеърлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилиб, 2006 йилнинг 9 апрелида Амир Темур ҳайкали пойида ўтадиган тантанали йиғинда эълон қилинади.*

# ИНГЛИЗЧА ТУШ

Ҳажвия

Ҳозирги даврда бирорта хорижий тилни билмаган одам қийналиб қолади, дерди ўқитувчимиз. Мана мен ҳам тилни билмаганим учун кеча кечаси кўрган тушимни тушунолмай турибман. Ўтган куниям шунақа бўлувди. Чунки, тушларни инглизча кўряпман-да.

Аҳволимдан хабар топгач, онам бечора ташвишга тушиб қолди. Шифокорга олиб бормоқчи бўлувди, унамадим. Баттар таажжубланганча секин сўради:

— Вой, болагинам-эй. Тушларингни ҳаммаси инглизчами?

— Э-э, қўяверинг, — дедиму қўл силтаб нари кетдим.

Аслида тушимни унча-мунча ўзбекча жойлари ҳам бор. Лекин, шундай нарсаларки, бировга айтгани ҳижолат бўласан. Кўнгли тинчимаган онам ишга отланаётган отамнинг ортидан чиқиб алланималарни шивирлади.

— Ўзидан кўрсин, — деди отам жаҳли чиқиб. — Элчихонанинг атрофида ўралашиб юргандан кейин шунақа бўлади-да.

— Элчихонанинг?.. — деди онам ҳайрат билан кўзларини катта-катта очиб.

— Ҳа. Ишхонамиздагилар айтишди. Ўша ердаги таржимон қиздан тил ўрганаётган эмиш.

— Вой, худойим-эй, шунақа денг. Хаёлимга бир зумда нималар келмади-я... Ўрганса яхши-да, дадаси. Лекин, касали...

— Қўявер, бунингни касали хавфли эмас. Ўтиб кетади, — деди отам сирли жилмайиб. — Дўхтирини ҳам ўзи топяпти шекилли.

Онам ҳеч нарсага тушунмай бир отамга, бир менга қараб қолаверди. Бироқ отам дарров қаёқдан билақолдийкин?.. Чиндан ҳам ўша таржимон қиз ишхонамизга хорижлик меҳмонлар билан келиб уларнинг гапларини ўгириб тургандa жуда ҳавасим келувди. Инглиз тилида она тилимиздай бийрон сўзлашадиган бу кўҳликкина қиз бўш пайтларида қизиқувчиларга тил ўргатар экан. Дарров манзили ва телефонини сўраб ёзиб олувдим. Бир ойдирки ундан инглиз тилидан сабоқ оляпман.

Машғулотлар анча чарчатяпти. Бунинг устига ора кунда ғалати тушлар кўриб чиқишим қизиқ бўляпти-да. Бунақа ҳайратланарли гапларни ичингда сақлаб туриш ҳам қийин экан. Кўнглим тўлиб кетиб бир-иккита оғзи маҳкамроқ оғайниларимга жиндай ёрилувдим, бекор қилган эканман. Мана энди, менинг инглизча тушларим ҳақидаги гаплар бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди. Кўча-кўйда, гузарларда одамларинннг айримлари кулиб, баъзилари раҳми келгандай қараб қолганларида ўзимни қўйгани жой тополмайман.

Булар ҳам майлику-я, аллақандай халқаро жамиятнинг журнали таҳририятдан келган мухбирларнинг гапларига чидаб туролмадим. Содир бўлган нодир ҳодиса ҳақида материаллар тўплашмоқчи эмиш. Бунинг учун ухлаётганимни, туш кўраётганимни кузатишлари, тасвирга туширишлари керак экан. Хуноби́м ошиб ҳаммасини аввал ўзбекча, кейин инглизчалаб изоҳли луғатларда ҳам йўқ сўзлар билан сийладим.

Ана шундай кейин тилим анча бурро бўлиб қолгандай туюлиб таржимон қиз ҳузурига тез-тез борадиган бўлдим. Ўзиям менга инглизчани ўргатаман деб роса ҳаракат қилаяпти. Лекин, ҳар қанча уринмай «I love you»дан бошқасига тилим келмаяпти. Дунёнинг ишлари шунақа-да. Бир-биримизнинг тилимизни тушунгунимизча анча-мунча вақт ўтиб кетади шекилли.

Буёқда баъзи кунлари миш-мишларни ошириб-тошириб сўзлайдиган қўшни хотинларнинг олди-қочди гапларини эслаб онам жиндай кўз ёши ҳам қилиб олади ва «Ишқилиб, яратганнинг ўзи охирини бахайр қилсин» деб қўяди. Оналарнинг тилаги ижобат бўлади, деганлари тўғри экан. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиб кетди.

Гапни чўзмай, тўғрисини айтиб қўяқолай. Инглиз тилини унча яхши ўрганолмадим. Лекин, афсусланмайман. Қийналаётганим ҳам йўқ. Чунки ўша таржимон қиз келинойингиз бўлиб қолди. Энди тушларни бирга кўрамиз.



Ж.МИРЗО чизган суратлар.

Ҳабиб СИДДИҚ



# «ШУМ БОЛА» ТАБАССУМИ

Темелнинг мактаби қизлар мактабига яқин эди. Йигитларнинг қизлар мактабига ўтишини чеклаш учун ўртадан чизиқ тортилди. Чизиқдан ўтганларга жарима солинадиган бўлди. Темел бир неча бор жарима тўлагандан кейин сўради:

— Йиллик жарима қанча?

* * *

Темел сигирлар орасида суратга тушди ва анчадан буён чет элда яшаётган тоғасига жўнатди. Расмнинг орқасида қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Ўртадаги мен!»

* * *

Темел ҳамшаҳарларининг ёрдами билан иш топди. Унинг вазифаси Фотиҳ замонидан қолган тўпларни тозалаш эди. У ҳамшаҳарларини уялтирмади. Ишга астойдил киришди. Уч кун ўтмай барча тўплар топ-тоза бўлди.

Уч ой ўтгач, Темел «Обидалар ва кўҳна асарлар бўлими» мудирига ишдан бўшамоқчи эканини айтди.

— Нега? — сўради мудир.

— Ишни яхшилаб ўрганиб олдим, — деди Темел. — Энди ўзим бир-иккита тўп сотиб олиб, шахсий иш бошлайман.

* * *

Кутубхоначидан бир ўқувчи сўради:

— Хотинидан қўрқмайдиган эркак ҳақидаги китобни қаердан топса бўлади?

— Эртаклар бўлимидан.

* * *

Темел бир бинонинг қоровули эди. Тўсатдан лифт бузилиб қолди. Темел эшикка эълон осиб қуйди: «Энг яқин лифт нариги бинода».

* * *

Измирлик бир киши футбол ўйинига кириш учун Трабзонга келган экан. Ҳали вақт эрталиги сабабли хиёбонга борибди. У ерда икки киши ишлаётган эди. Бири қўлидаги кетмон билан чуқур қазади. Иккинчиси эса қўлидаги белкурак билан чуқурни кўмади. Биринчиси яна чуқур қазийди, кейингиси келиб кўмади...

Уларнинг қилаётган ишидан мантиқ топмаган измирлик ишчилардан сўради:

— Анчадан бери сизни кузатаман. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, чуқур қазиб яна кўмишнинг нима кераги бор?

Ишчилардан бири жавоб берди:

— Биз аслида уч кишимиз. Кўчат экамиз. Чуқурга кўчат ўтқазадиган шеригимиз бугун ишга келолмай қолди.

* * *

Темел ва Идрис чорвачилик фермаси сотиб олдилар. Итни инига, қўйларни қўйхонага, товуқларни катакка, сигирларни оғилга жойлаштиришди. Хачир эса оғилнинг эшигига етганда зинкайиб туриб олди: қулоқлари эшик бошига тегиб қолганди. Хачирлигига бориб жойидан қимирламади. Темел ва Идрис хўп уринишди, бўлмади, хачир ўз жойида қолди. Икки фермер болта олиб эшикнинг тепасини ўя бошладилар. Бир ишчи уларнинг мақсадини англагач, маслаҳат берди:

— Хўжайин, эшикнинг устини ўйгунча, остидан тупроқни озроқ олсангиз бўлмайдими?

— Аҳмоқ! — ўшқирди Темел. — Хачирнинг қулоқлари узун, оёқлари эмас.

Турк тилидан
Фаррух ЖАББОРОВ таржимаси.



# Яхшилардан кўрдим яхшилик ҳар дам



*Сўзлаганда донолар ҳақдан сарба-сар,*
*Жоҳил дили — муз эриб, тонгдек ёришар.*
*Ўйлаки, абр сочиб денгизга ёмғир,*
*Яралди тошчанок бағрида гавҳар.*
* * *
*Башар завол билмас, доим бус-бутун,*
*У олам уйига мангулик устун.*
*Инсон ҳам боқийдир, ўлими мажоз,*
*Бутуннинг зарраси бўлгани учун.*
* * *
*Тонг отиб, уйқудан уйғонганинг дам,*
*Қаршингда янги кун бахт сенга ҳамдам.*
*Кечангдан гап очма, қайдан келганин*
*Ўйламас, дунёга келаркан одам.*
* * *
*Кимда ким турмушда оқил, саришта,*
*Арқоғидан кутма сирли бир ришта.*
*Ҳасад оташида бўлиб жизғанак,*
*Шайтонга айланди гумроҳ фаришта.*
* * *
*Бу рангин палосда ҳаёт муттасил*
*Тароватдан туйғу қилади ҳосил.*
*Қабоҳатдан асар қолмас эди, оҳ,*
*Ҳаётдан олсайди ибрат ҳар ақл.*
* * *
*Ибрат уммонида сузсанг паришон,*
*Бу, шаксиз, ҳалокат онингдан нишон.*
*Қуёш ҳам то ёрқин порламоқ учун,*
*Ўзин ёндирмоқдан тўхтамас бир он.*
* * *
*Инсоф ғунчасидан қолмади асар,*
*Баднафслик дастидан уят дарбадар.*
*Минг афсус, гар хирсга айланса ҳавас,*
*Нуқсидан юртга кўп заволу зарар.*
* * *
*Кибр деб, жазога маҳкум ул шайтон,*
*Сенинг димоғингда сақлаб қолмиш жон.*
*Биров омадидан ис олган маҳал,*
*Ҳасадда шайтонга устозсан, инсон.*
* * *
*Бойликдан ҳасислик гар томир отар,*
*Инсоф, ҳиммат обрў сувига ботар.*
*Фараз қил, совуқ кул уфурса қуёш,*
*Бу ҳаёт нечоғлик мазмун йўқотар.*
* * *
*Ким бўлса меҳрда ёрқин истеъдод,*
*Ожизлар ғамин еб яшар умрбод.*
*Ерга нур, ҳарорат сочаркан қуёш,*
*Ўзи куйганига истамас нажот.*

Саломжон МЕНГНОР

Термиз.

Газетхон илҳоми

# ЮЛДУЗИМ

**Билганимда эртароқ сендан кўнгил узмасмидим,**
**Бевафолик қасрини мен ағдариб бузмасмидим.**
**Айтсанг эрди «менга ҳамроҳ бўлмагайсан оқибат»,**
**Бир дили тоза билан мен иттифоқ тузмасмидим.**

**Гар десанг, майдонга чиқгил асрамоқ-чун севгини,**
**Мен довул, тошқинга тик довруқ солиб сузмасмидим.**
**Ваҳки, ағёр даврасида яшнадинг гул-гул ёниб,**
**Не ажабким, сен баҳору мен эса кузмасмидим.**

**Эсла нурли лаҳзаларни, сен — чироқ, парвона — мен,**
**Қоп-қаро тун эрдингу сен, мен-чи, кундузмасмидим.**
**Бунчалар сен нозланиб, Қодирга қилдинг кўп ситам,**
**Бир замонлар сен ҳилолу, мен-чи, юлдузмасмидим.**

Абдуқодир ҚАЙЙУМ

***Халқимизнинг ардоқли шоири Охунжон Ҳакимовнинг сўлим Аввал қишлоғида бир эмас иккита ҳовлиси бор. Иккинчиси кенггина, ўртасидан шарқираб сой оқиб ўтади. Ҳовли мевазор: олма, анжир, гилос, шафтоли, анор, узум... Ҳаммасини ўзи экиб, ўзи парваришлаган.***

***Бу боғ кўп ҳангомаларнинг гувоҳи.***

***Фарғонанинг аксарият ижод аҳли ёзу куз аридай шу боққа ёпишади. Бошқа вақтда бирортаси бу ерда кўриниш ҳам бермайди. Сабаби уларга мева пишиғи керак. Худди оталари экиб кетгандек ўз улушларини олишади. Шу боғ атрофидаги ҳангомаларнинг айримларини сизларга етказмоқчимиз.***

# ШОИР ЧОРБОҒИ

### ИСНОД

Охунжон ака Ҳабиб Саъдулла билан дўст-қадрдон. Водийдаги адабий анжуманлар уларсиз ўтмайди. Бир гал Намангандаги бир тадбирдан сўнг шоирлар тўкин дастурхонга таклиф этиладилар. Охунжон ака эндигина шифохонадан чиққан кезлар экан:

— Ҳабиб, шу арoқ сабилни қўйинг, сиз ҳам ичманг, мен ҳам ичмайин, шунча ичиб бир мирилик фойда кўрмадик, — дебдилар.

— Вей, нима деяпсиз, — куйинибди мезбон. — Охунжон Ҳаким билан Ҳабиб Саъдулла бор жойда ичкилик бўлмапти, деган иснодни қандай кўтариб юрамиз?

### БИСОТ

Ёзувчилар уюшмаси Фарғона бўлимининг масъул котиби Энахон Сиддиқова ҳар ойда бир пиёла чой баҳонасида ижодкорларни йиғиб, мунозара, муҳокама, мушоира деганларидек, тадбир ўтказиб туради. Мушоирадан сўнг бир-иккита ташаббускор чиқади-да, шундай тадбирнинг кўзи очиқ кетмасин деб шиша очишади. Ва, албатта, қадаҳ сўзи бўлади, устоз шаънига бир-икки оғиз сўз айтилади.

— Охунжон ака, — деди бир куни адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов, — бошқа вилоятларга кўз-кўз қилгудек бисотимиз битта сиз қолдингиз.

Олимимиз топқирлигидан завқланиб улгурмай устоз оҳиста луқма ташладилар: — Бисотни ҳам еб битирай дедиларинг...

### ТЕКИН КЕТГАН СЎЗ

Бунга анча бўлди. Унда устознинг рафиқалари Дилбархон опа ҳаёт эдилар. Кўп юмшоқ сўз эди раҳматли. Охунжон ака турфа хил учрашувлардан деярли бир маромда қайтардилар. Шундай кезларда Дилбархон опа ёзғириб «Мунчаям сизни чарчатишмаса-я» деб куйинардилар. Бу «Бунчалик кўп ичиришмаса-я» деганлари эди.

Адабиёт ихлосмандлари билан бир галги учрашувдан шоирнинг ҳушёр қайтганини кўрган рафиқалари хурсанд бўлиб, «Чарчамайдиган кунингиз ҳам бор экан-у», дебдилар.

— Эҳ, эссиз, — бош чайқабди устоз, — сўзнинг қадри қолмади шу кунларда. Шундоқ ажойиб учрашув сувтекин кетди-я.

— Нима бўлди? — ҳайрон бўлиб сўрабди Дилбархон.

— Нима бўларди, бир коса шўрваю, серқалампир шовладан бошқа ҳеч нарса бўлмади.

### ОЛАҚАНОТДАН ОЛДИН

Гилоснинг нави кўп: май ойида пишадигани, кечкироғи. Бизнинг наздимизда энг эрта қизарадигани Охунжон аканинг боғида! Буни гилосхўр олақанотлару, шоирнинг шогирдлари яхши билишади.

Май ойининг бошларида уч-тўрттамиз ҳар хил елим халталарга бир килодан бодринг солиб (бу пайтда энг арзон нарса бодринг-да) Охунжон аканикига кириб бордик.

Устоз ҳеч таажжубланмадилар.

— Вей, олақанотдан ҳам эрта келибсизлар-а, — дедилар холос.

### ҚУЛФ

Боғнинг талондан ортган мева-чевалари залсимон катта хонада сақланади. Бу хона устознинг кўнглидек доим очиқ туради.

Охунжон акани йўқловчилар устоз билан кўришар-кўришмас ўзларини шу хонага уришади. Соддароқлар туршак, ёнғоқ билан чўнтакни, тажрибалилар эса иккита нон солиб келган елим халтани тўлдиришади.

Бунақа хужумлардан обдон тўйган устоз охири хонага қулф урди. Одатдаги йўқловдан қайтишда ҳамма олган ўлжаси билан мақтанди. «Киткон» романининг муаллифи Эрдавлат:

— Ўлжанинг каттаси менда, — деди бамайлихотир, — калитни қўлга киритдим. Омборни энди қулфлаб кўрсинчи.

### ОШҚОВОҚНИНГ БАҲОСИ

Охунжон ака улфатчилик пайтлари анча саҳоватли бўлиб кетадилар. Боғли ҳовлилари кенг, серсув жой эмасми ошқовоқни суяди. Ҳар бирини бир одам зўрға кўтарадиган бўлиб етилади.

Алишер Ибодинов устозни энг кўп йўқлайдиган шогирдларидан. Ана шундай йўқловлардан бирида саховатлари барқ уриб кетган Охунжон ака ошқовоқ опкетасиз деб зўрлаб қолди. Енг шимариб полизга ўзлари кириб кетдилар.

Катта ошқовоқни қучоқлаб олган устознинг оёғи палакка ўралиб, юз тубан кетдилар. Аҳволини кўрган Алишер шофёрига бақирди:

— Бахтиёр, ошқовоққа хушёр бўл, ёрилмасин.

Ўзини ўнглаб олган Охунжон ака:

— Вей, ошқовоқнинг баҳоси шоирдан ҳам қимматми-а, ука — дея ҳайрон бўлдилар.

### МИХЛАНГАН НАРВОН

Кеч кузда Охунжон ака токзорида узум олтиндай товланиб пишди. Эрталаб иккатамиз узун-қисқа бўлиб кириб бордик.

— Ҳа келинглар, — дея жуда самимий бўлмасаям, ҳар ҳолда кулиб қарши олдилар устоз.

— Шу, хабар олайлик деб келдик, — дедик олтиндай товланиб турган узумларга суқланиб.

— Биламан нимага келганларингни, — кесатдилар Охунжон ака, — узумдан улуш керакдир-да.

— Ҳа, энди тушунган одамсиз-да, дедик кўзимиз билан нарвонни қидириб.

— Сизлар тушунмаганга қўясизларми, қидирганларинг бу ёқда, — дедилар нарвон турган томонни кўрсатиб.

Икки киши нарвонни олтиндай ялтиллаб турган узум томонга сурмоқчи бўлдик. Аммо бунинг иложи бўлмади.

Устоз талонга учрайвериб, «пишиб» қолганлар-да, шогирдлар улушга келишини билиб, олдиндан нарвонни бундайроқ узумнинг остига михлаб қўйган эканлар...

Сайдали ОДИЛОВ

# ЭРКАК МИЛЛИАРДЕР БЎЛСА...

— Ҳаётга энди мустақил қадам қўяётган ўғлига ота қандай насиҳат беради?

— Ҳозир ота ўғилга эмас, ўғил отага насиҳат қилади.

* * *

— Ароқхўр эр ароқдан кўра кўпроқ хотинини ёқтириши мумкинми?

— Мумкин, агар хотини эрини ароқ билан доимий таъминлаб турса!

* * *

— Кулгили бўлмаган гапга кулаверадиган кишилар ҳам учраб турадими?

— Ҳа, бор. Одатда бундайларнинг ё эси паст ёки оғзи тўла тилла тиш бўлади.

* * *

— Нима учун хотинлар доим эрларининг дидини ерга уришади?

— Ҳар доим ҳам эмас. Эрининг хотин танлашдаги дидини ҳеч бир хотин ёмонлаганини эшитганмисиз?

* * *

— Нима учун докторлик диссертациялари номзодлик диссертацияларидан ёмон ёзилади?

— Чунки докторлик диссертациялари номзодлар томонидан, номзодлик диссертациялари эса докторлар томонидан ёзилади.

* * *

— Аёл эркакни миллионер қилиши мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Агар эркак миллиардер бўлса.

* * *

— Бизда ҳам апелсин ёки банан ўсадими?

— Йўқ, бунинг иложи йўқ. Бизда фақат нарх-наво ўсади.

* * *

— Ичкиликбозлик оз бўлса-да, кишига осойишталик келтириши мумкинми?

— Ҳа-а, агар меъёридан ошиб кетса, абадий осойишталик келтириши тайин.

Тўпловчи Зафар ҒАФУРОВ

# Дунё — кенг...



## СВИФТНИНГ МАСЛАГИ

**Бундан 260 йил бурун дублинликлар улуғ адиб Жонатан Свифт билан видолашиб, уни сўнгги манзилига кузатишган эди. Оддий диндорлар учун Свифт авлиё Патрик черковининг воизи, бироз ғалатироқ руҳоний, бева-бечораларнинг ғамхўри эди. Бошқалар, яъни маълумотли, маърифатли кишилар унинг сиймосида буюк ҳажвчи, памфлет жанрининг моҳир устаси ва ҳатто зукко сиёсатчини кўрардилар.**

Орадан кўп йиллар ўтиб ўша ғалатироқ руҳоний ва ёзувчи асарларида ўз замонини жуда теран, яққол очиб бергани тўла-тўкис аён бўлди. Дунёга машҳур «Гулливернинг саёҳатлари» муаллифини бугунги кунда ҳам ўз даврининг эркин ва реалистик фикрловчи алломаси, деб бемалол айтиш мумкин. Бу фикрга адиб тўқиган хаёлий, фантастик воқеалар, қаҳрамонлар ҳечам халал бермайди, аксинча, адабий-бадиий далиллар сифатида хизмат қилади.

Бироқ Ж.Свифтни шон-шуҳрат чўққисига олиб чиққан асарлари осон яратилмаган, ҳаёт йўли, фаолияти ҳечам силлиқ кечмаган. Давомли ва азобли ғоявий, ижодий изланишлар ёзувчини беҳад оғир руҳий изтиробларга солган, инсон табиати билан боғлиқ саволлар уни умр бўйи қийнаб ўтган. Ўзига замондош бўлган маърифатпарвар адиб ва файласуфлардан фарқли ўлароқ, Свифт инсон ўзининг табиатига кўра эзгуликка мойил, деб ҳисобламаган. Афтидан, ўша ва кейинги даврларда рўй бериши кутилаётган тарихий талофатларни ҳис этгани туфайли ҳам у ҳақ бўлиб чиққанга ўхшайди. Унинг умидворликдан бир қадар холи ўй-фикрлари гўё кейинча рўй берган тарихий ҳодисаларда ўз исботини топгандек.

Жонатан Свифт тўғри ҳаёт бахтли бўлиши мушкул, бахтли ҳаёт эса тўғри бўлмайди, деган ташвишли хулосага келади. Унинг ўзи эса тўғри ҳаётни танлаган эди.

## ШИШАДАГИ ЎЗГА САЙЁРАЛИК

**Британиялик Барни Брум уйининг чордоғидан шиша банка топиб олди, идишнинг ичида ўзга сайёраликнинг имитацияси бор экан, деб ёзади Guardian газетаси. Идиш 1947 йилги Daily Mirror газетасига ўралган бўлган. Айнан ўша 1947 йили американинг Розуэллдаги ҳарбий ҳаво базаси номаълум учувчи объект ҳалокатга учрагани ҳақида хабар тарқатган ва дарҳол бу хабарни рад этган эди.**

Брум ғалати шиша идишни сотиб олган уй-жойини таъмирлаётганда топган. Идишдаги спирт аралашмаси ичига ўзга сайёралик мавжудотнинг ўттиз сантиметрли имитацияси солиб қўйилган, мавжудотнинг тўрт бармоқли оёғига рақамли муҳр босилган.

Британияликнинг тахминича, бу шиша идиш ва унинг ичидаги мавжудот ўтган асрнинг 60-йилларида суратга олинган, америкалик ҳарбийлар томонидан топилган ўзга сайёра кемаси ҳақидаги «Розуэлл ҳодисаси» филмининг ўзига хос реклама акциясининг бир воситаси бўлган. Ушбу топилдиқ номаълум учувчи жисмлар атрофида янги шов-шувларга сабаб бўлди. Идишдаги «келгинди» филмда кўрсатилган ўзга сайёраликларга айнан ўхшаш.

НУЖ мутахассислари мазкур имитация ҳақиқий ўзга сайёралик мавжудотдан олиб ясалган нусха эканини таъкидлашмоқда. Идишни уй чордоғида бу ерда кўп йил истиқомат қилган ҳарбий қолдирган бўлиши мумкин. Гап шундаки, Барни Брум сотиб олган бу жой америка ҳарбий базасидан 45 мил узоқликда жойлашган.

## УЧ ЁШЛИ ЧОПОҒОН

**Ҳиндистонлик уч ёшли Будхиа Сингх Орисса штатида яшайди. У бир неча соат тўхтовсиз югура олиши билан барчани ҳайратга солди. Ташқи кўриниши билан тенгқурларидан ҳечам ажралиб турмайдиган бу гўдак яқинда олти соатда 60 километрга югуриб, ўзига хос рекорд ўрнатди.**

Бунгача у 35 километрга уюштирилган марафонда ҳам иштирок этганди. Маррада кутиб туришган шифокорлар гўдакни текшириб кўришганда юраги бир зайлда ураётганини, ҳеч қандай толиқиш ёки бошқа бирор-бир ўзгариш сезилмаганини қайд этишди.

Бир йил олдин Будхианинг отаси қазо қилган, онаси эса муҳтожликдан болакайни шу ерлик савдогарга 800 рупий (18 доллар)га сотган эди. Уни сотиб олган Биранчи Дас бола тақдирида муҳим рол ўйнади — у гўдакда ғаройиб қобилият борлигини пайқади.

Уч яшар марафончининг номини Гиннеснинг Рекордлар китобига бемалол киритса бўлади, дейди Дас.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3953. Буюртма Г — 449. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН